

ЧОРШАМЪ

СЕВГИНИ СОҒИНДИМ

(Ишқий шеърлар)

“Бухоро” нашриёти - 2005 йил

84(54)6-5 Бадиий адабиёт
Шеврлар

Ушбу китобни ҳаётдаги устозларим
Мардон Холбеков ва Ҳамида Аҳмедоваларнинг
сўнмас хотираларига ҳурмат билан бағишлайман.

Муаллиф.

10 31912
291



20	66	Alisher Navoiy
	1944	nomidagi
		O'zbekiston MF

* * *

Муҳаббат ҳақида ўйлашни соғиндим,
Эзиб қўйди чоғи бу кекса турмуш.
Хаёл олиб кетса узоқ-узоққа,
Нурга тўлармиди дейман бу оғуш.

Муҳаббат ҳақида сўйлашни соғиндим,
Жонга тегиб кетди бу икир-чикир.
Эҳтиросга берилганда эҳтимол,
Бироз ўзгарарми эди тафаккур.

Муҳаббат ҳақида куйлашни соғиндим,
Туйғулар тош каби тўкилиб бағримдан.
Ўша бевафонинг кўксига кўчса
Зора тушармидим бир оз ҳаддимдан.

Муҳаббат ҳақида ...

* * *

Кераги йўқ, илтифот қилма,
Гуноҳларни орттирмоқ нечун?
Ишқимиздан ҳеч қачон кулма
Бўлсак ҳамки толъеи нигун.

Биргина сўз, биргина имо
Унга солиб ўтади раҳна.
Кейин... остин-устун бўлади
Миллион йиллик бу кўҳна саҳна.

Авайлайлик, асраб ўтайлик
Биз ҳам гўзал салтанатни, кел.
Ахир... ахир... ишққа элтади
Дунёдаги барча-барча йўл.



* * *

Бегонага ўхшаб қолибмиз,
Қарашларда сеҳр йўқолган.
Юрган билан яқин, изма-из,
Хаёлингни нимадир олган.

Қачон қайтиб келади у, айт,
Мумкин эмас узоқ қолмоғи.
Кечагина яйраганинг пайт
Бахтиёрга ўхшардинг чоғи.

Нима бўлди, не учун араз,
Сақламагил ичингда гапни.
Нима бўлса бўлсин-у, фақат
Ётсирамай яшайлик, хўпми?!

* * *

Нари борса яна куярман
Сани ҳусну-жамолингдан ман.
Нетай, ахир жуда суярман
Сани руҳу-равонингни ман.

Яқин бормоқ умидим эрур
Бу дунёдан ўтгунча жоним.
Мададингни дариг тутмагил
Секин уриб турсин бу қоним.

Қаттиқ урса адо бўламан,
Кўтаролмас энди бу вужуд,
Йўллариңгда гадо бўлай ман,
Қўлларимга қўлларингни тут.

Кейин бирга узоқ кетайлик
Сирот қадар, маҳшаргоҳ қадар.
Тақдирда не бўлса кўрайлик
Тақдир - ахир ҳақ сари сафар!

* * *

Қаердан куч олай, қаердан қувват,
Вужудим толиқиб бормоқда ахир?
Қандайдир толиқиш, чекиниш, узлат
Мени айламоқда бечора, сағир.

Қўлингни берсанг – чи, эй ёри жоним,
Иссиқ кафтларингдан олиб қолай тафт.
Улар ҳисларимни тўзгитиб ўтса,
Албатта етади юракка бир наф.

Кейин мен... Кейинги учрашувгача,
Ичимга қудратим сиғмай яшайман.
Ахир... дил яшариб борган ҳар ерда,
Қандайин яшариб бормасин бу тан?!

* * *

Бу оқшом кўзларим ўнгида
Сочларинг кесилди, кесилди.
Риштаи - ишқмиди кўнглимда
Билмадим, узилди, узилди.

Ҳур тоғлар бағридан келдинг - у
Йил ўтмай шу кўйга солиндинг.
"Барига айбдор шаҳарми?"
Тагига етмайин бу ўйнинг.

Ёнимда тиржайган дугонанг
Сўзлади бир қадим жазони:
"Гуноҳга ботганда аёлнинг
Энг аввал кесилган сочлари".

Сени деб йигитлар от сурган
Улоқнинг йўллари ҳайф энди.
Кўзада сув ташиб кулишган
Булоқнинг бўйлари ҳайф энди.

Бир тола сочингни олдим - у
Майдалаб-майдалаб ташладим.
Риштаи - ишқмиди кўнглимдан
Узилган билмадим, билмадим.

* * *

Қарашга уяддик бир-биримизга
Сен-бир семиз хотин, мен - бир ориғ эр.
Кўришув юз берди кўз қиримиз-ла.
"Салом сенга, ўтин, салом, қаро ер".

Хаёлда яшардик шу кунга қадар
Сен-суқсурдайин қиз, мен - норғул йигит.
Энди хотирага ўрнашар қадар,
Сен-бир куюк юлдуз, мен-чирик чигит.

Қисқартар бу фурсат қисқа умрни,
Эсизгина ёшлиқ, эсизгина туш.
Уйғотиб бўлмагай ўша меҳрни,
Хайр севги шўрлик, хайр ожиз ишқ.

Хайр... бу баҳайбат шаҳар бағрида
Кўринмай кетмоқда дейман - у изинг.
Аmmo... бир-биридан кўз узмас сира
Менинг булбул ўғлим, сенинг гул қизинг.



ҚАРШИМДА ЯНА СЕН

Қаршимда яна у, яна у ...

Хайриддин Салоҳ

Қаршимда яна сен, яна сен,
Кўзларинг пирпирар, куласан.
Маҳталинг - тағин мен, тағин мен,
Бир оппоқ булутдай келасан,
Қаршимда яна сен, яна сен.

Кўзларинг пирпирар, куласан,
Нигоҳинг сеҳрига муҳрман.
Биласан, биласан, биласан,
Асирман, асирман, асирман,
Кўзларинг пирпирар, куласан.

Маҳталинг - тағин мен, тағин мен,
Бир имкон бер сенга етмоққа.
Меҳварим - тағин сен, тағин сен,
Бир имкон бер ёким кетмоққа,
Маҳталинг - тағин мен, тағин мен.

Бир оппоқ булутдай келасан,
На қор бор, на ёмғир кўксингда.
Бир зор бор, бедор бор, сезасан,
Ҳар баҳор гирёндир кўшкингда,
Бир оппоқ булутдай келасан.

Қаршимда яна сен, яна сен ...



"МУНОЖОТ"

Бу қадар хазиндир бу оҳанг
Юракка тиф бўлиб санчийди.
Сен бунча бокира бўлмасанг,
Мен сени суймасам қанийди.

Сочмаган бўлардинг қаҳрингни,
Мен ўзга йўлларда толардим.
Тарк эта олардим бағрингни
Ва балки бенаво қолардим.

"Муножот" бизларни боғлаган,
Барибир янграйди ҳар замон.
Қандайин қутула олай ман
Тун омон, ой омон, сен омон.

Кўзимга соғинчлар тошади,
Мен уни кимларга сочайин.
Дардим, оҳ, кунба-кун ошади,
Мен уни кимларга очайин.

Ҳозироқ қошингга қайтаман,
Кўксимда қолмагай ҳеч армон.
Сўнги бор ёлвориб айтаман:
"Куй тамом, ой тамом, мен тамом".

Шу қадар хазиндир бу оҳанг ...



* * *

Менга қолса - баҳор атайин
Сени излаб боғларга келган.
Менга қолса - шаббода тайин
Сени дея йироқдан елган.

Менга қолса - қушлар чуғурлаб
Куйламоқда фақат сен учун.
Менга қолса - япроқ шивирлаб
Сўйламоқда фақат сен учун.

Менга қолса - ҳуснда танҳо.
Замин узра энг сулув сенсан.
Менга қолса - доим ёнингда.
Бўлмоғи шарт ошиғинг менман.

СОҲИЛДА

Жимирлайди осуда оқшом,
Жимирлайди осмонда юлдуз.
Бироқ... соҳил узра ўлтириб
Унсизгина йиғлайди бир қиз.

Ялтирайди шуғлалар сувда,
Ялтирайди япроқларда куз
Фақат ... соҳил узра ўлтириб
Унсизгина йиғлайди бир қиз.

Шивирлайди тўлқинлар шошқин,
Шивирлайди хаёллар сўнгсиз:
"Нечун ... соҳил узра ўлтириб
Унсизгина йиғлайди бир қиз?"

Шитирлайди... шитирлолмас, йўқ,
Қотиб қолар ҳаммаси, эсиз.
Ахир ... соҳил узра ўлтириб
Унсизгина йиғлайди бир қиз.

Севгилим, севгининг сеҳри узундир,
Тилсим торларига бўлганмиз тутқун.
Бизнинг теграмизда телба қуюндур
Айлана — айлана тингуси бир кун.

Севгилим, севгидан очмай бирор сўз,
Унсиз нигоҳларда яшаш не қисмат?
Ситилиб кетди — ку аламзада кўз,
Йўқ энди, йўқ энди бир лаҳза тоқат.

Севгилим, тугёнлар истайди юрак,
Фалак чархларидай шиддаткор, шахдам.
Замин захларига берсам — у кўкрак
Ҳуснингга тўймасам, тўймасам бир дам.

Севгилим, аламлар бунча ҳам бисёр,
Кўтармоқ мумкинмас барини бир кўр.
Биз учун бу олам йўқлик қадар тор,
Ишқимиз эса оҳ, оҳ нақадар зўр.

Севгилим, тақдирда гофиллар ҳоким,
Улар ҳам севишни наҳот билсалар.
Майлига, майлига биз қолайлик жим
Бизнинг бахтсизликдан бахтли бўлсалар.

Севгилим, сўнгги сўз айтмоқ не ҳожат,
Шундай ҳам умримиз битмас фожеа.
Шундай ҳам дунёда кўрмадик роҳат,
Бизнинг бисотимиз ёлғиз хотира.

Севгилим, севгилим, сўнмас севгилим ...



"БОЛАКАЙ"

(Ҳазил)

– Ҳой, болакай, – дединг шивирлаб
Кўзларингни тикмагил узоқ.
Бола деган шу пайдан бошлаб
Қизчаларга қўймайди тузоқ.

– Вой, мен ҳали бола бўлдимми,
Тузоқмас бу – паймонам, аҳдим.
Болакайинг бўлсам ҳам сени
Севишимга етади ақлим.

КУТИШ

Ҳижронларни бағрида тутган
Булутлардан осмонда кўприк.
Соясида ёримни кутиб
Ёлғизгина турибман шўрлик.

Йўқ, қўрқмасман булут ваҳмидан
Тош ёғса ҳам боқарман кулиб.
Фақат, фақат бошга тушмаса
Ёргинамнинг кўз ёши бўлиб.



БЕТОБЛИҚДА

"Тиқ" этади эшик
Сен келдинг дея
Ҳадиксираб бераман овоз,
Шамол мени алдайди ҳар гал.

Деразамни чертади биров,
Юрагимни ҳовучлайман жим.
Шунда келар бир майин овоз:
– Ўғлим, бўлди вақт алламаҳал.

Китобимни отаман ёниб,
Чироққа ҳам узатаман қўл.
Қўзғалмоққа зарра мажол йўқ,
Тун бўлмас тугал.

"Тиқ" этади эшик
Не берар дарак?
Наҳот фақат эшик ортида
Тақдир бўлса ҳал?



Бир қизча бўларди боғлар қўйнида
Оппоқ капалакдай еларди ҳар ён.
Жажжи саватчасин тутиб қўлида
Эртадан кечгача терарди райҳон.

Мен китоб варақлар эдим ўшанда
Ё ўйга толгунча шеърлар тўқирдим.
Гоҳида қизчага кўзим тушганда
Тингла деб барини унга ўқирдим.

У тинглаб турарди қаршимда шодон
Ҳаттоки бошимдан гуллар сочарди.
Менинг — чи, кўксимда йўқ каби армон
Руҳим янги ҳислар сари шошарди.

Бироқ, йиллар юлиб олди қишлоқдан,
Ўзга оҳангларга кўчди сатрим ҳам.
Мен унга боқардим узоқ — узоқдан
Кутардим келгай деб висол деган дам.

Бугун — чи, пойимда гўдак кунларим
Кимсасиз боғларда тентийман танҳо.
Мени ҳол — жонимга қўймас унларим
Унита олмади қизчани асло.

Ҳали ҳам анқийди ўша анбар бўй,
Ҳали ҳам ёришар у таниш тонглар.
Фақат ўзгачадир мени ўртар ўй
Фақат қизча энди термас райҳонлар.

Турмас ҳам қаршимда жилмайиб танҳо
Шеърлар ҳам тингламас боғларда такрор.
Бироқ хотирамда бетакрор сиймо
Ҳислар уюрига кўмиб ҳар баҳор.

Бир қизча яшайди менинг бағримда...

* * *

Мискин оҳангларнинг беланчагида
Ором ол, севгилим, ором ол оқшом.
Мен сизни кун бўйи соғиндим жуда,
Соғиндим, тоқатим толиқди тамом.

Сузгун хаёлларга бош қўйиб бу тун
Кўзим қаросини яна ёшлайман.
Соғинчлар кўксимда тинади энди,
Энди мен кулгумни йиғлай бошлайман.

* * *

Мен сенга сўзлашдан қўрқардим жуда
Мен сени тинглашдан чўчирдим чунон.
Ҳайиқиб боқардим атрофларимга
Ҳайиқиб боқардинг сен ҳам ногаҳон.

"Ҳаммаси тугади" деган бир ажал
Атрофда қаҳқаҳа отарди ошкор.
Унга сен, унга мен бўлгандик мўлжал,
Унга бас келолмай турарди баҳор.

* * *

Қанча — қанча илҳом сўнди кўксимда,
Қалбимни ўйнади аддов, гумонлар.
Мен севги ҳуснини кўрдим жисмингда,
Юракни ямлади аммо ҳижронлар.

Энди озод бўлдим, баридан озод,
"Хайрият!" деган сўз бўлиб қолдим мен.
Висол нималигин кўрсатма, ҳайҳот,
"Хайр айт!" деган сўз бўлиб қолдинг сен.



* * *

Тун шу қадар осуда эди
Ҳайиқардим бир сўз демоққа.
Тун шу қадар осуда эди
Сен жазм этмадинг кетмоққа.

Тун шу қадар осуда эди
Чиққан каби нафосат тахтга.
Тун шу қадар осуда эди
Айланарди фожеа бахтга.

* * *

Севгида ҳақ , ноҳақлар бўлмас
Бордир фақат қотиллар ва қурбонлар.
Бу сахна ҳеч қачон тугамас,
Ундан ўзолмайди учқун асрлар.
Мен сенинг қотилингман, севгилим,
Сен эса ҳаётни менга раво кўрдинг,
Бу билан мени ҳам ўлдирдинг, севгилим,
Энди яшаб бўлмас.
Севмаганлар ва севгидан бахтиёрлар
Ҳақида сўрама мендан.
Шундай буюк сахна олдида
Керак ахир тамошабин ҳам.

* * *

- Сени яна тушимда кўрдим.
- Ростданми, ростдан?
- Сенсиз яна бўм — бўшдир кўксим.
- Ростданми, ростдан?

Сўнгра сен ҳам сайрай кетасан
Билсам ҳамки ҳаммаси ёлгон.
Ва мен аста сўрай бошлайман:
— Ростданми, ростдан?

МУВАШШАҲ

Забун хаёл сузар саргашта,
Узоқ — узоқ ором олар тун.
Лоларангга ўхшар бу лаҳза
Хайрлашдик илк бора маҳзун.

Уйқу билмай тентир сўзларинг,
Мени сўроқ айлар бесўроқ.
Остонангга чўккан изларим
Рухсат сўрар — нозми бу фироқ?

* * *

Ички уйнинг зулфини
Тушганмикин, ёр — ёр.
Хаёлингиз биз томон
Учганмикин, ёр — ёр.

Учган бўлса бағрима
Киргаймикан, ёр — ёр.
Кириб сира чиқмадин
Юргаймикан, ёр — ёр.

Юрар бўлса ёнида
Юрагим бор, ёр — ёр.
Юрагимда яширин
Тилагим бор, ёр — ёр.

Тилагимдан тўйдирди
Ташқи занжир, ёр — ёр.
Ташқи занжир билан — қу
Умрим банддир, ёр — ёр.

Банд айлади бандалик,
Киролмасман, ёр — ёр.
Кирсам чиқмас эдим деб
Туrolмасман, ёр — ёр.

Турмоқликни худойим
Оз берибди, ёр — ёр.
Оз бўлса ҳам куйла деб
Соз берибди, ёр — ёр.

Ёр — ёр айтиб юрагим
Яро бўлди, ёр — ёр.
Ички уйда ёрим ҳам
Адо бўлди, ёр — ёр.

Ички уйнинг зулфини
Тушганмикин, ёр — ёр.
Хаёлингиз биз томон
Учганмикин, ёр — ёр.

* * *

Сизга айтолмадим : Сиз — суйганимсиз,
Бир армон бўғзимда қотди — да қолди.
У азиз ҳар қандай дамдан изнсиз
Умримни борича симириб олди.

Сизга битолмадим : Сиз — суйганимсиз,
Бу битик қаламим синдирди ҳар гал.
Қанча изтироблар чекмай, иложсиз
Барибир тақдирим бўлаверди ҳал.

Сизга етолмадим: Сиз — суйганимсиз
Етилди фақат дард, ҳижрон, азоблар.
Мен неки куйласам — куйлаганимсиз
Менда гуноҳ кўпдир, сизда савоблар.

Сиздан кечолмадим: Сиз — суйганимсиз.



Шунчаки... сочингни силагим келди,
Соғиниб қолгандир дея ўйладим.
Қўлимга олиблар ўйнагим келди
Қаварган кафтларим эса қўймади.

Шунчаки... кўзингда кўрингим келди
Ёшларинг фарқ этмас дедим бу сафар.
Қошингда бир лаҳза юрингим келди
Йиғлаган кўзларим қўймади аксар.

Шунчаки... қалбингни тинглагим келди
Эврилгандир дедим менга охири.
Ётсираш нигоҳдан инграгим келди
Яна бўлган эдим ҳижрон асири.

"Шунчаки..." деёлдим, ортга йўл олдим,
Ортимда ўзга йўл йўқ эди асти.
Қақшатган кечада тентираб толдим
Муҳаббат, бормиди шунчалар қасдинг?

Энди мен нетгум — эй, қаён кетгум — эй,
Униқиб, синиқиб кетди — ку бағир.
Наҳотки бир умр шундай ўтгум — эй,
Қўйвора келгин — эй, эй, дарди кабир.

Шунчаки... шунчаки эмасди ахир.



* * *

Қишлоқ кеч уйғотди туйғуларимни
Ҳайиқиб яшадим шаддоод қизлардан.
Пинҳон ёнишларни айтмаганимда
Айро тушмас эдим сира сўзлардан.

Бўйим ўсаверди кўнглимдан аввал
Шарм кўтарилмай келди юзимдан.
Тунги кезишларни айтмаганимда
Айро тушмас эдим сира изимдан.

Ғўр бола эканман ўшанда чоғи
Энди англаяпман буни бўзимдан.
Ёшлиқ қайтмаса ҳам кўнгиладан кечиб
Айро тушгим келар баъзан ўзимдан.

* * *

Қизлар ухлаб ётган шийпон ёнидан
Қўй ҳайдаб ўтардим ярим тунлари.
Ҳамиша осуда ўша гўшадан
Бир кеча эшитдим шўх кулгуларни.

Ногоҳ бир ғалаён бошланди руҳда
Тўғонлар ёрилди, ўзанлар тошди.
На еру, на осмон бардош беролмай
Юракда йигитлик ишқи талашди.

Тешиб ўтмоқчидай синчли деворни
Томирлар, мушаклар тортилди таранг.
Унутиб қўйгандим илк бора орни
Яхши ҳам ўзимни туюлдим аранг.

Кейин не бўлганин худо билади,
Қанча истасам ҳам кечиб жонимдан.
Қўй ҳайдаб ўтишга қўрқиб қолгандим
Қизлар ухлаб ётган шийпон ёнидан.

Оғир кетиб бормоқда бир қиз
Қайда эрур манзил, макони?
Хаёлида кезар қандай ўй,
Ташлаб кетганми ёри жони?

Ё хуштори тиржайиб кутар
Қўлларида ўйнатиб ақча?
Юрагимни нимадир чақар
Ўзгаради кўнглим бир пасда.

Балки уни қуршаган мотам,
Ё тақдирин этмоқдадир ҳал?
Қайғусини билгим келса ҳам
Сўз қотмасман бермай деб халал.

У – чи, кетиб борар оҳиста
Оёқлари тортса ҳам ортга.
Ердан кўзин узолмас сира
Кетмоқчидай шу куйи портлаб.

Дод дегайми азим дунёга
Ёш қалбимни этдинг деб поймол.
Ногоҳ тўқнаш келиб рўёга
Ҳақиқатни истар эҳтимол?

Имкони йўқмикин ё унинг
Қоврилгани билан оламда?
Қаерга ҳам борсин бечора
Бевафо, беқадр оламда?

Минг бир савол кечди қалбимда
Мунис, ғамгин чеҳрага қараб.
Ёшини сал айтмаганимда
Севгилимга кетаркан ўхшаб.

Оғир кетиб бормоқда бир қиз.

* * *

Бўсалар бермайин қўйганинг маҳал
Бўзлардим: "Бу – ижод учун зарур" деб.
Шунда сен кўнардинг этмайин маҳтал:
"Ижодингиз учун зарур бўлса, хўп".

Сўнгра... орамизга тушди айрилиқ,
Ўзга ўзанларга кўчди ижод ҳам.
Қанча изланмайин, қанча ёнмайин
Кўнглим ҳеч тўлмайин келди ҳаётдан.

Гоҳ азиз жойларни оралаб, кезиб
Кўзимга ёш келар, бўғзимга жоним.
Қанийди билсайдинг, кошки билсайдинг
Ижодга нималар етишмаслигин.

* * *

Севмасанг ҳам барибир менга
Севаман деб сўйла севгилим
Юлдузларнинг қати – қатида
Сен борсан деб ўтсин бу умрим.

Кутмасанг ҳам барибир менга
Кутаман деб айтгин то абад.
Юрагимда яшайди шунда
Муқаддас шеър, боқий муҳаббат.

Йиғласанг ҳам барибир менга
Кулиб боқгил, бахтиёр қара.
Дилимни тарк этсин бу қайғу
Вужудимдан кетсин бу яра.

Авайлайлик бир – биримизни
Бу дунёда яшаган сайин.
Олиб кетайлик сиримизни
Муҳаббатнинг ҳурмати учун.

* * *

Ёнма – ён ўлтириб китоб ўқисак,
Варақлаб чиқсак бу ҳаёт эртагин.
Шуур етганича тафаккур этсак
Инсон ўтмиши – ю, бутун, эртасин.

Ёнма – ён ўлтириб суҳбатлар қурсак,
Орзулар айласак дунёга боқиб.
Гоҳ сезиб, гоҳида сезмасдан юрсак
Юракда энг азиз ҳисни уйғотиб.

Ёнма – ён ўлтириб хаёллар сурсак,
Бизни қўзгатмаса ҳеч ким, ҳеч нарса.
Вақт уммонида беадад сузсак
Мангу маконларга йўл олса кема.

Ёнма – ён ўлтириб кетсак бир умр...

* * *

Ғамгин кўзларингдан шодлик изладим,
Сўлгин юзларингдан ахтардим қувонч.
Қақроқ лабларингда ширин табассум
Кўрмоқни истадим... лекин... на илож.

Бир нишон топмадим нурли, умидбахш,
Тақдирда бор экан дедим, чидадим.
Минг йиллик чинордай яшардим яккаш
Оёғинг остига баргдай қуладим.

Сен эса сезмадинг, қалбингни тамом
Қуюндай маҳв этиб олганди бутун
Умрида ҳеч кимни сева олмаган
Сен севган қиёфа, сен севган ҳусн.



* * *

Қарашлардан қариди кўнгил,
Тафт истайди энди бу бағрим.
Кел, бир бора раъйимга, кўнгил,
Бир озгина очилсин баҳрим.

Ахир қалбим ҳижрон домида,
Ахир жонни қийлади юрак.
Билиб қўйгин, сен энг камида
Мени севиб яшашинг керак.

Сабабини айта олмайман
Кетганда ҳам ҳаттоки куфр.
Сабабини наҳот билмайсан
Ахир бу — ишқ, ахир бу — меҳр.

* * *

Энг ёмони шуки — сен ҳақсан,
Энг ёмони шуки — мен ҳам ҳақ.
Важларимни айтмоққа ҳарчанд
Чоғландиму, жазм этмадим нақ.

Не қилайки, ўн етти ёшинг
Чиройингни оширар гулгун.
Яшнаб борар ичингу — ташинг
Ҳузурида важларим бир пул.

Фақатгина кеч англайсан, кеч
Ўткинчидир бу тан, бу вужуд.
Балки мени севолмассан ҳеч
Кўз оддингни қоплаган булут.

Чарақлаган меҳрга ташна
Умринг ўтиб совийди юрак
Ҳали имкон борида эса
Сен ҳам мени севишинг керак.

"Бўлмайдим бу гуноҳ, эҳ, сиз,
Айтинг!" дединг, айтолмадим, оҳ.
Тил учимда турарди ҳадис:
Гуноҳни тарк айламоқ гуноҳ".

* * *

Севги нима? Иккита қалбнинг
Бир — бирига қовушмоғими?
Ёки саҳро бағрида Мажнун
Лайли билан топишмоғими?

Қандай куч бор, қандай сеҳр бор
Ҳар бир жонни этгучи асир?
Кўзга кўринмаган бу асрор
Дунёни тебратишга қодир?

Жавоб излаб кўрдим китобдан,
Аҳли дониш, дунё, шуурдан.
Фақат юрак севганда билдим
Чин муҳаббат келади нурдай.

Зарра каби бағрингга кириб
Тамом талош айлайди танни.
Сен худони сева бошлайсан
Севган каби Она Ватанни.

Сўнг... умрингга энади маъни,
Вужудингга эса дард, титроқ.
Ҳузурбахш бир лаззат туясан
Севги — худо васлига етмоқ!



Ошкораман ҳар бир сўзимда
Билолмасман аврашни, нетай?
Айтмаганим аён кўзимда
Ўзинг тушун, садағанг кетай.

Ҳаёт ўзи шунақа сирли,
Ақл билан англай олмассан
Анлаганим шуки дунёда
Яшолмадим бир кун севмасдан.

Бу телба дил, бу телба хаёл
Бошлайверар адоқсиз йўлга.
Эргашаман ортидан беҳол,
Йўлиқаман яна бир кўйга.

Яна ўша савдо, муаммо,
Енголмасман эски қусурни.
Агарки сен севмасанг, илло,
Қабул айла мендан узрни.

Нима қилай, ёнмоқда юрак,
Ёғилмоқда ҳақли сўроғи.
Жавоб бера олмасам, демак:
Сени севиб қолибман чоғи.



* * *

Аллоҳ борки Арши — аълода
Муҳаббат боридан зиёда.
Чиройингга учма, эй сулув,
Битта эмас сен бу дунёда.

Ўткинчидир минг оҳу — воҳ ҳам,
Кўзингга тўлади тупроқ ҳам,
Унутилар висол, фироқ ҳам,
Битта эмас ишқ бу дунёда.

Қалби қанотни излаган,
Туни билан тинмай бўзлаган,
Фано водийсини кўзлаган
Битта эмас мен бу дунёда.

* * *

Майли , мени севмагил, жоним,
Кулбамни сев, китобларни сев.
Нафасларинг кирсин бу уйга,
Ҳаяжонда бир нималар дей.

Бир зум ўлтир, бир лаҳза тин ол,
Мени озод этгин оламдан
Қалбимда — ку бир умр борсан,
Қолдирмагин асло қаламдан.

Кейин... майли ўз измингга юр,
Кетгин ҳатто кўкларга учиб,
Мен эса оҳ, ором оларман
Сен ушлаган китобни қучиб.



* * *

Севгилим, тутмоқда сенинг уволинг,
Беписанд боққандим муҳаббатингга.
Ўша ҳис мени оҳ, ўртайди ёмон
Мана, учраяпман қаттиқ қаҳрингга.

Мунис сиймо эдинг, маъсум бир сиймо
Шундоқ кўзларингга турарди севгинг.
Илтифот кўрмайин, охир бедаво
Дард ила кетгандинг тун қаърига жим.

Мана, қайтар дунё, қасос дунё бу,
Ўзга ўй сиймайин қолди ҳаддимга.
Бугун бир қиз мени ўртайди ёмон
Беписанд боққанча муҳаббатимга.

* * *

Кўзларингга тик боқганим йўқ,
Ботинмадим қўл чўзмоққа ҳам.
Нигоҳларинг отаётган ўқ
Ўлдиради мени, маликам.

Қулинг бўддим, шаҳзодаликка
Изн бермас исломий удум.
Қувват олиб яшадим якка
Хаёлингдан, руҳингдан, гулим.

Раҳмингми ё ҳавасинг келиб
Бўйин эгиб турганда баъзан
Ўпсам фақат кўз юмиб ўпдим
Оппоққина шўр пешонангдан.



АРАЗЛИҚДА

Қандай яхши — биз учрашмаймиз,
Учрашади пойи — қадамлар.
Қўшни дала, қўшни чайлада
Аён бўлар қувонч, аламлар.

Қандай яхши — биз юзлашмаймиз,
Юзлашади ташна вужудлар.
Яқин келиб қолсак мабодо
Гуп — гуп ура бошлар умидлар.

Қандай яхши — биз сўзлашмаймиз,
Сўзлашади зимдан нигоҳлар.
Севги сиру — асрорларидан
Дилни этиб борар огоҳлар.

Қандай яхши — биз хушлашмаймиз,
Хушлашади ширин армонлар.
Кетгимиз йўқ қишлоққа, демак:
Ўлган эмас ҳали паймонлар.

Қандай яхши ...

* * *

Кўксимга кўп отилди тошлар
Бири муздай, бири эса чўғ.
Метин каби қотди бу кўксим,
Энди менга тошнинг фарқи йўқ.

Ёшим ҳам бир жойга бормоқда,
Кўнгил эса ҳамон ўша — шўх.
Сўрамангиз ёшимни қизлар,
Энди менга ёшнинг фарқи йўқ!

* * *

Айни ўн беш ёшида
Маст бўлар қизлар
Муҳаббатдан ёнар
Ёноғи — юзлар.

Остонадан ҳатлаб
Оламга тўймас.
Нозу — карашмали
Шўхлигин қўймас.

О, Алоҳим берган
Олий неъмат — ишқ .
Кўнглимга содинг
Ажиб бир соғинч.

Юрак исён этиб
Ўрганади жон.
Фақат тутиб турар
Этиқод, иймон.

Чоршамъ, қараб қувон
Кўрганинг омад.
Ўн беш кунлик ойда
Тўлибди қомат.



АЙРИЛИҚ ТУНИДА

Нақадар сокиндир бу кеча
Хаёллар уйқуни билмайди.
Бутун тун ухлайди тонггача,
Қалб эса тинмайди, тинмайди.

Қайгадир бошлайди мунгли ҳис,
Ҳижронни назарга илмайди.
Йўл эса кимсасиз, кимсасиз,
У энди манзилни билмайди.

Қалб эса тинмайди, тинмайди...

* * *

Чиқиб кетмоқдаман сўлим боғларга
Ҳусну — жамолингни айлагали ёд.
Чиқиб кетмоқдаман мағрур тоғларга
Мажруҳ юрагимга топгали нажот.

Чиқиб кетмоқдаман... сира қайтмасман,
Муҳаббат йўлидан ошиқ қайтарми?
Сенга бу дунёда видео айтмасман,
Севган юрак видео айтарми?!



МУҲАББАТ

Чақмоқ бўлиб урилдинг уйқуларимга,
Уйқуларим қаро ерга қоришди.
Қувонч бўлиб қуюлдинг қайғуларимга
Қайғуларим қаро ерга қоришди.

Умид бўлиб сочилдинг оғуларимга
Оғуларим қаро ерга қоришди.
Борлиқ бўлиб очилдинг туйғуларимга
Ва юрагим туйғу бўлиб ёришди.



ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАЙТГАНДА

Қадирғочлар қайтар баҳор,
Қайтар менинг чаманим.
Кишнаб — кишнаб соғинчини
Айтар менинг саманим.

Оппоқ булут, оппоқ булут
Осмонингни тутмасми?
Қалдирғочлар қалқиб — қалқиб
Бошинг узра учмасми?

Чиғир — чиғир оҳангларнинг
Оғушида туриб жим.
Наҳот сенинг юрагингда
Бир ишқ ёнмас, севгилим?

Илтифотли бир сўз айтсанг
Қучгай сени чаманим.
Қанотига олиб кўкка
Учгай сени саманим.

Осмонларга кўзим тикиб
Илтижолар ўқирман.
Ҳижронингга дош беролмай
Мунгли кўшиқ тўқирман.

Бошим узра қанот қоқиб
Қалдирғочлар қалқигамай.
Ва пойимда лўппи — лўппи
Қизғалдоқлар балқигамай.

Бироқ не йил бирор — бир сўз
Айтмас менинг севгилим.
Қалдирғочлар қайтиб келар,
Қайтмас менинг севгилим.

* * *

Меҳрга шунчалар ташнаидим мен
Мўъжизага ўхшаб кўринди кулгинг.
Қайғуга шунчалар ошноидинг сен
Келмайди, келмайди ундан айрилгинг.

Ёрилиб кетмасин десанг юрагим
Жоним, бир озгина қувноқроқ ҳам бўл.
Ахир бошимизга жим – житлик ҳоким,
Сен энди, сен энди... соғинчларга тўл.

Севгига шунчалар ташнаидик биз?

* * *

Бу қандай лабларки – қирмизи,
Ҳайиқсанг сўрмоқлик гуноҳ деб.
Бу қандай жаннатнинг ҳур қизи
Чўчисанг бўлмайди паноҳ деб.

Бу қандай кўзларки – поқдамон,
Тикилсанг кўзларинг қамашса.
Бўлмасми шоири кўп ҳайрон
Бир кўзда минг хаёл талашса.

Бу қандай сочларки чирмовиқ,
Бағрида тентираб адашсанг.
Борлиқ ҳам, йўқлик ҳам бир бўлиб
Ҳайратда лол қотсанг, танг қолсанг.

Бу қандай оташки – куйдирса,
Ёндирса кул бўлган кўксингни.
Минг оҳким, бепичоқ суйдирса
Сен эса... ҳайф кўрсанг ўзингни.

Бу қандай қисматдир, севгимим?

* * *

Сукунатда тонг юлдузлари
Ўйларга толгандир бир ажиб.
Эҳ, бунча қирмизи юзларинг
Мен эса бенасиб, бенасиб.

Ҳасратми, нафратми кўксимда
Отилиб чиққудай тоқатсиз.
Бағримда сўзларинг ўксиган,
Ўксиган, ўксиган эҳ, эссиз.

Айтмайман, айтишга хижолат
Чеккандай тураман энди жим.
Бу сенга ва менга хиёнат
Ёришиб кетади кўзларим.

Сукунатда тонг юлдузлари...

* * *

Куз келди... хазонлар ўйнар бошимда
Юрак ҳовучлайман боғларда танҳо.
Бутун мен бўлмадим сенинг қошингда,
Ва сен ҳам келмадинг, эй мунис сиймо.

Ҳазин товушларга қулоқ тутаман
Кушлар чуғурлайди куз фалсафасин.
Мени ҳайдай бошлар виро товушлар
Ахир висолингга етмасман тайин.

Баҳор қачон келар менинг боғимга?

* * *

Мен сени шунчалар суйганим билан
Суйдим деб бирор сўз айта олмасам.
Мен сен деб шунчалар куйганим билан
Куйдим деб бирор сўз айта олмасам
Не ҳол, севгилим?

Ҳижронлар кўксимга ташласа қулоч,
Оташлар талашса қалбда басма — бас.
Мен сенинг олдинда ночор, ноилож
Ботиниб айтмасам бирор — бир сўз, сас,
Тин ол, севгилим.

Йиллар шафқат билмай кечса бесамар,
Йўллар айри тушса ушалмай орзу.
Ҳавода муаллақ қотса бўсалар
Унутиб барини, севмаган каби
Хуш қол, севгилим.

* * *

Қўллари ёстиқни қаттиқроқ қучган
Туш кўрмоқда гўё қиз ширин.
Сочлари ҳар томон ёйилиб ётган
Менинг бунда ухлашим қийин.

Пичирламас лабларим сира
Бехос тегиб кетмас ҳам қўлим.
Менинг қалбим сеҳрга тўла
Мен тун бўйи термуламан жим.



Туни билан сира тинмади
Кўзларингда чақинлар акси.
Кулармидинг, йиғлармидинг, билмадим
Бошинг узра туриб мен худо ҳаққи.

Тонг ҳам отди, отди кўксингдан
Тугамаган ҳижронни тўйиб.
Сен жилмайдинг жуда ўксиган
Изтиробнинг тасвири бўлиб.

БОЛАЛИҚДАН ХОТИРА

Қишлоқ. Соҳил. Айни туш палла.
Сукунатнинг сезгир қучоғи.
Кўйлаклари ёпишиб елқаларига
Кўкраклари бўртик – бўртик,
Қирқ кокилли сочлари қалқиб,
Хуркиётган охулар каби
Чўмилишар қишлоқ қизлари.
Сув сачрашар бир – бирларига,
Маҳлиёман кулгуларига.
Кўринишдан мўмин – қобил
Мен гўдак бола
Аслида айёрман.
Аллақачон чиқиб олганман
Ўрик дарахтининг баланд шохига,
Кафтимда тургандай кўринар улар.
Сукунатнинг ёлғиз гувоҳи
Келмасман ҳаттоки хаёлларига.
Кўзларим узулмас, узмасман бир зум,
Наздимда борлиқнинг энг паризоди
Оппоқ рўмолида, оқ кўйлагида
Сузаётган оққушга ўхшайди жуда,
Шўнғиётган оққушга ўхшайди жуда.

Жуда бахтли экан ўшанда:
Хаёллари бегидир гўдак,
Орзулари бепоён бола,
Келажаги бегумон йигит,
Фарзандлари паҳлавон ота. ...
Бир зум аза очдим ўша дарахтга,
Сукунатнинг сўнгги жумбоғи.
Тушдим ўша соҳил, ўша чимлоққа,
Қолмабди бахтимнинг ҳатто увоғи.
Энди бунда шаҳардан келиб
Эркак – аёл ёнма – ён, рўй – рост
Чўмилар беписанд, ярим яланғоч.
Қўшилишар қишлоқ болалари ҳам.
Мен улардан жирканиб кетаман,
Кўзларимни юмиб ўтаман.
Ахир ўша борлиқнинг энг паризоди
Оппоқ кўйлагида, оқ рўмолида
Қайтмас бўлиб, ҳеч қайтмас бўлиб
Учиб кетган оққушга ўхшайди жуда,
Шўнғиб кетган оққушга ўхшайди жуда.



* * *

Базм чакнар. Давраларда лолагун гирён.
Овозларда бўрқсир май — сафо.
Наттоқ тили бунча ҳам бийрон:
"Тушмоғи шарт ҳамма ўйинга!"
Мен — сен учун энг сўнгги нажот,
Сен — мен учун энг сўнгги хатар.
Бардош синар сўзингда бир пайт:
"Мени таклиф этингиз ахир!"
Мен эса: "Тушишни билмайман".
Билганда ҳам қаттиқ кўрқаман
Оёғингни беҳос босиб олишдан.
Аммо жуда — жуда истайман
Бу ҳол кечса чимилдиқ ичра.
Тушганда ҳам интиқ кутаман
Ҳамма сўзлаб сўзсиз қолишни.
Аммо жуда — жуда истайман:
"Сени севаман!" деб айтишни.

* * *

Бизни суймай кўйдилар, қалбим,
Айбимиз не — сира билмасмиз.
Эҳ, бепичоқ сўйдилар, қалбим,
Биз ҳеч қачон гуноҳ қилмасмиз.

Бир кун келиб биз ҳам суймасак
Гуноҳкор деб топсалар ногоҳ
Қанча — қанча куюнган билан
Қалбим, бизга топилмас паноҳ.



Мени йиғлат, йиғлат, севгилим,
Аразлар қил, таманнолар қил.
Ёлғондакам севаман дегин
Ваъда бериб келмасдан кетгил.

Бахт дегандан оҳ, ҳайиқарман,
Бахтдан кейин ҳаёт қандайин?!
Сен бахтсизсан, мен ҳам бахтсизман
Бундай бўлгач қандай яшайин?

Нотинч кўнглим ҳеч кўниколмас,
Сен устимдан кулгин, севгилим.
Қалбим севар ва севилолмас,
Сен уни тил, тилгин севгилим.

Йўлларимга ўзга билан чиқ,
Бу шаҳардан бош олиб кетай.
Бу дунёнинг оппоқ баҳридан
Мен ўтай, мен ўтай, мен ўтай.

Сен ҳам ўтгин, қолмагин ночор,
Қаҳ – қаҳалар бир зумда тинсин.
Озор берма, айлама абгор,
Қалб қадаҳи бешафқат синсин.

Шунда севги аталган ҳаёт
Бағридан биз сиза бошлармиз.
Муҳаббатнинг нопок қасрини
Аста – аста буза бошлармиз.



* * *

"Кечирма!" деб айтдим, кечирдинг,
"Юпатмагил!" дедим юпатдинг.
Келди менинг бош олиб кетгим,
Сен йиғладинг, хўнграб йиғладинг.

Кўзларимнинг таноби қочди,
Дединг : бахтли ўтмоқ бизга фарз.
Қаттиқ — қаттиқ қучдинг бағрни,
Енгил — енгил ўтиб кетди дард.

* * *

Тавалло қил, тушмоқда оқшом
Юлдузларга сингар нигоҳинг.
Лабларингда сийпаланар жом,
Ой бўлғуси соҳир ҳамроҳинг.

Ташлаб кетар пайти тонг аста
Сўнги юлдуз сўнгани маҳал.
Ҳаёлингда қолар саргашта
Бир париваш умринг этмай ҳал.

* * *

— Севги эмас?
— Ҳа, севги эмас.
— Унда сиздан сўрайман узр.
— Тушинарсиз деб ўйлагандим,
— Шундай бўлди, худога шукур.
... Шундай бўлди, бизлар ажралдик
Сокингина кеча қўйнида.
Мен жим қолдим. Сен мағрур кетдинг
Ғолиб каби севги ўйнида.

Кўриб кўрмаганга олдинг илк бора,
Бир ширин хаёллар синди бешафқат.
Узун кўчаларда юриб овора
Қолмади, қолмади дилимда тоқат.

Юрдим, юравердим зим-зиё тунда
Сукунат эш бўлди кўнглимга бутун.
Аммо... тонгда яна йўлга тушарман
Кўрмай кўрганликка олмоқлик учун.

Жонимни бўғзимда сақлаган
Кўзларинг бор эди, севгилим.
Кўксимда зулукдай яшаган
Сўзларинг бор эди, севгилим.

Барибир севардинг, барибир,
"Кўксингга туташдир жоним" деб.
Аммо мен билмадим... Кўксимда
Сен ўзинг бормидинг севгилим?

"Йўқ" деган жавобинг тилингда тайин,
Аммо айтилмаса дейман бир муддат.
Сен озод бўлмасдан, мен қолмай нигун
Бир озга узайса эди бу фурсат.

Ҳар қалай сирлидир, ҳар қалай хушгаъб
Қоришиб кетганда қувончу-ғамлар.
Мен сендан жавобни этмасдан талаб
Сен менга сўзлашга ботинмас дамлар...

* * *

Сизни лаънатлайман, сўзларим,
Бўғзимда бўғилиб турарсиз нечун?
Сиздан кўз юмаман, кўзларим,
Йиғламоқ ўрнига куларсиз нечун?

Сендан юз ўгирдим, иродам,
Изни юракка берганинг учун.
Сени оқ қиламан, юрагим,
Севиб "севмайман" деб юрганинг учун.

* * *

"Бахтидан ҳам қочарми инсон?"
Савол бўлди сен томонингдан.
Мен анграйдим - бу қандай эҳсон,
Ўтиб кетди жону-танымдан.

Бахтсизликни билардим ёлғиз,
Бахтдан эса... чўчирдим рости.
Яна айтгил, яна айт, эй қиз,
Бахт дегани бормиди ҳали?!

* * *

Охир жудо бўлдим ўз севгилимдан,
Юлиб-шилиб олди ғаламис қалблар.
Яна қулоч ёзиб бағримга келган -
Юпанчим, суянчим бокира дардлар.

Дарвеш давраларга кираман тўйиб,
Сўзлатар май тўла бу таянч қадаҳ.
Ичимда борини чиқарар силқиб
"Оҳ"ларга ўранган жарангдор "қаҳ-қаҳ".

Мулоқот авжида чўқар сукунат,
Англайман - севгида йўқдир бахтли дўст.
Оғу хаёлларга чек қўяр ҳикмат:
"Бахтсизлик дегани доим ками-кўст".

Йўллар эса тортар мўъжиза кутиб
Ғамгин кўзларингни эслаган сари.
Аммо собит ўйлар қолади тутиб,
"Нодир ёзувлар"нинг келар сўнг гаги.

Жудолик туни бу — куйлар ҳофизлар
Ишқ деган савдонинг оҳангларида.
Бизга сабот берар муқаддас сўзлар
Бу қаттол дунёнинг найрангларида.

* * *

Кўзлар айланади ўнгу-сўлимда
Тортқилаб беимкон хаёлларимни.
Кўраман ҳайқирган йўллар сўнгида
Сенинг энгиб бўлмас саволларингни:

"Нечун биз айрилиқ билан ўтармиз,
Нечун сиз келмайсиз елиб-югуриб?
Наҳот муҳаббатсиз нафас ютармиз,
Наҳот мен чиқмайман йўлларга кулиб?"

Абжир бардош билан олишган кўйи
"Ҳайт" деган дард билан қўлни силтарман.
Кичрайиб боргандай автолар йўли
Мен ҳам сенга томон оқиб кетарман.

Қўнғироқ овози. Чиқасан. Сукут.
Бирдан эрий бошлар кўнғилдаги муз.
Шубҳа-гумонлардан этгудай соқит
Бошимизга япроқ сочар кечки куз.

СЕВГИ КУНИ

Ҳафтанинг бир куни муқаддас эди,
Мангу эди ҳафтада бир кун.
Дилобар йўқ энди, севги йўқ энди,
Йигит бошим билан йиғлайман юм - юм.

Сўрама - айтилмас қайси кунлиги
Изола - топиламас ўша ўриндиқ.
Қайта пирпирамас мажнунтол гули
Ҳаммаси қулаган, ҳаммаси сўниқ .

О, қандай зохилдир севгисиз фурсат,
Ҳазонлар ортидан елсанг сарсари.
Ёп - ёруғ кунларки туюлса зулмат
Қолгани жаҳаннам қаъридан нари.

Қолгани - чалиниб турган мотам куй
Бағрингга ҳаводай сирқиниб кирса.
Қандай илож бордир, қандайин бир йўл
Рухингда Дилобар ёлвориб турса:

"Панд берар ўн етти ёшда яшамоқ,
Панд берар оғуға айланган ҳаёт.
Ўзга бирор ёшга бўлмадим қўноқ
Менга топиб беринг бирор - бир нажот".



* * *

Юлдуз учган сарин кеча
Оппоқ булут суза-суза
Кўздан ниҳон бўлганида
Юлдуз бўлгинг келди сенинг,
Кўзда сузгим келди менинг.

Чирқиллаган овозмиди,
Осмон кутган парвозмиди,
Гулзор ичра - дил розмиди,
Ошиқ бўлгим келди менинг,
Маъшук бўлгинг келди сенинг.

Қушлар тонгни уйғотди-эй,
Бизни қаён кўзғотди-эй,
Ярадимми муҳаббат-эй,
Булбулинг йўқ эди сенинг,
Бир гулим йўқ эди менинг.

* * *

Чақмоқлар яйраган тунлар ҳам келди
Важоҳатин кўз-кўз этди булутлар.
Оғир кўчалардан қадамлар тинди
Пана-паналарда қолди сукутлар.
Қарсиллаб қулади кекса бир дарахт
Атрофидаги барча чироқлар ўчди.
Очиқ ойналар синди шарақлаб,
Нигоҳлар сесканиб осмонга кўчди.
Тарновлар куйлади, томлар куйлади,
Димоғларни ёрди райҳон бўйлари.
Деразага қапишиб қизлар қаради,
Афтидан яқинга ўхшар тўйлари.
Мен эса шалаббо бўлган ҳолимда
Тингладим осмоннинг муножотини.
Ва зулмат йўлларда қўмсадим жуда
Чақмоқлар етишимас муҳаббатимни.

Кутиш соатлари ҳамиша узун,
Висол дақиқаси доимо қисқа
Дея изларингга интиқман бугун,
Ахир соғинчингни соғиндим жуда.

Айтгали сўз йўқдир ҳижрон қошида,
Топгани имкон йўқ сенсиз кўксимдан.
Умрим кечмиши ҳам олар аксига,
Тўйиб кетмадимми севги қасридан!

Қачон мангуликка айланар висол,
Қачон адо бўлар кутиш тарихи.
Қачон жавобини топар бу савол,
Қачон гўзал бўлар баҳор таърифи.

Келгани рост бўлсин, илоё унинг,
Кўрмоғим рост бўлсин илоё, менинг.
Чўзганим гул бўлиб етса кўлингга,
Олмоғинг рост бўлсин, илоё, сенинг.

Кутиш соатлари ҳамиша қисқа
Висол дақиқаси доимо узун
Бўлмоғи мумкин деб ўйлайман жуда
Сени ташрифингга ишонган куним.



* * *

Ўтиб кетар дедим бу армон,
Ўтмади, ўтмади.
Бир кун кетар дедим бу ҳижрон
Кетмади, кетмади.

Яна қанча судралиб юргум
Бир у ён, бир бу ён.
Мен бахтимни наҳот кўрмагум
Гоҳ омон, бир замон.

Энди унинг келмоғи гумон
Келмади, келмади.
Ишқдан бино бўлганмисан, жон
Ўлмадинг, ўлмадинг.

* * *

Бор - йўғи бир марта "соғиндим!" дедим
Сен сукут сақладинг соғинмагандай.
Бор - йўғи бир марта "оғриндим!" дедим
Сен сукут сақладинг оғринмагандай.

"Севаман!" дедим мен бор - йўғи бир бор,
Сен гўё севмаган каби турардинг.
"Кетаман!" дедим мен бор - йўғи бир бор,
Сен дарров "қаёққа?" дея сўрадинг.



ЗУМРАД БОҒЛАР БАҒРИДА

Ҳеч қачон гапимиз тугамас эди
Дунёни айланиб чиқарди бир-бир.
Ўзимизни сира ўйламас эдик
Ўзгаларга эса тилардик ҳузур.

Гиналар қилардик кечар ёшлиқдан
Келажак ёруғ деб орзу этардик.
Гоҳида беҳуда кўнгил гашликдан
Кулардик, кулгудан бахтлар кутардик.

Қўлга қўл, кафтга кафт тегса ногаҳон
Сесканиб кетардик ёмон бўлар деб.
Биргина сўз билан севги бўстони
Остун-устун бўлар, пайхон бўлар деб.

Остун-устун гапми, тамом сўлди у,
Энди бу боғларнинг бағри зулматдир.
Сенга ёр топилди, бахт деб кетдинг-ку,
Менга қолгани шу қора қисматдир.

Қушлар ҳамон ўша, гуллар ҳам ўша,
Ошиқлар ўзгарган, ёлғиз ошиқлар.
Ишқ ҳам ўша-ўша, йўллар ҳам ўша,
Маъшуклар ўзгарган, ёлғиз маъшуклар.

Ҳеч қачон гапимиз тугамас ҳануз
Дунёни айланиб келармиз бир-бир.
Ўзимизни энди кўпроқ ўйлаймиз,
Ўзгалардан эса излаймиз қусур.



Ўзимдан ўтгани ўзимга аён
Сенга аён бўла қолса қанийди.
Кўнглимни чўлғайди доим бир гумон
Сенсиз мени энди ким ҳам танийди.

Ёнимда ёқутдай юрардинг ял-ял,
Сен боис кўзларга ҳавасли эдим.
Ойу-юлдузларга бўлгунча маҳтал
Тунлари тинимсиз ичимни едим.

Сенга тўймагандим, тўйдирди ҳижрон,
Куйлаб куймагандим, куйдирди ҳижрон.
Ўтгизга чиқмайин қирқдан ошгандай
Ўн йилга умримни сўлдирди ҳижрон.

Сендан ўтгани ҳам ўзинга аён
Ҳар тугул бир тутун бордир орада.
Очилиб-сочилиб юрарсан ҳануз
Сен оппоқ йўлдасан, мен - чи қорада.

Бу йўлдан ҳеч қачон чиқмоқ йўқ энди,
Ёруғлик менга ёр бўлмаса бўлмас.
Кўнгил севолгандан гарчи тўқ энди
Ўлмаган бу жоним ўлмаса бўлмас.



БАҲОР БЕДОР ЭДИ

Тонггача боғларда санқиган тунлар,
Атрофда атиргул анқиган тунлар,
Висолдан вужудлар балқиган тунлар
Баҳор бедор эди, сену-мен бедор.

Армонсиз кўк абри-найсон йўлловчи,
"Севги қурсин" дея ўтар йўловчи.
Шамсия остида жуфт жон асровчи
Баҳор бедор эди, сену - мен бедор.

Сўзлар минг кечага етиб ортгудай,
Нигоҳлар борлиқни нақ ёритгудай.
Қалбни қалб қиёмат қадар тортгудай
Баҳор бедор эди, сену-мен бедор.

Дунё унут бўлган, тун унутилган,
Товушлар тўхтаган, қадамлар тинган.
Ёлғиз ошиқ ила маъшгуқни билган
Баҳор бедор эди, сену-мен бедор.

* * *

Ёмғир - сулув сиймомисан
Еру - кўқда овора?
Ҳузурингга ҳузур истаб
Талпинаман тобора.

Томчиларинг тамом мени
Айлайдилар телбавор.
Йўқса боғу-баҳорларда
Юрмакликка нима бор?

Сен оқасан бағрим бўйи
Сингарсан ҳам юракка.
Мен шалаббо бўлган кўйи
Тонгга чиқарман якка.

Дилим эса куяй дейди,
Куймаганми тилим-эй.
Бунча озор чекмасайди
Севмакликдан дилим-эй.

Ёмғир - сулув сиймомисан
Еру - кўкда овора?
Ҳузурингга ҳузур истаб
Талпинаман тобора.

Аммо сира етолмасман
Сен етган ул кўкларда.
Етган билан сендан ўзга
Ким ҳам мени йўқлар-а?

Ким ҳам айта олур: қалбни
Кўргум яна парвозда.
Шунда тўйиб севинч ила
Куйлагим бор овозда.

Деган орзу-армон билан
Яшаяпман эгиб бош.
Ўша само оғушидан
Қайтсанг агар қалам қош.

Мен ҳам кўкка учар эдим
Ёмғир бўлиб, йўл бўлиб.
Ўлгунимча ўтар эдим
Ошиқ бўлиб, сел бўлиб.



СИЗНИ СЕВМАСЛИК МУМКИН ЭМАС

Дунёларни маҳв этган малак
Сизни севмаслик мумкин эмас.
Уртанади бу жоним ҳалак
Сизни севмаслик мумкин эмас.

Аллоҳ бермиш бунча чиройни,
Ёринг бўлса шундай киройи,
Қайтармангиз асло бу раъйни
Сизни севмаслик мумкин эмас.

Деманг: ҳавас бошқа, ишқ бошқа,
Ишқ савдоси тушди бу бошга,
Қалб айланган бўлса ҳам тошга
Сизни севмаслик мумкин эмас.

Ҳусн олгансиз Момо Ҳаводан,
Уқдим мумтоз назму-наводан.
Айирмангиз нашъу-намодан
Сизни севмаслик мумкин эмас.

Гарчи Чоршамъ бўлиб сўнарман,
Рухим қайта келиб сўйларман:
"Севган эдим, севдим, севарман
Сизни севмаслик мумкин эмас".



ФАРҒОНАГА КЕТГИМ КЕЛАДИ

Юрак ютиб ёруғ дунёда
Бир кун жазм этгим келади.
Битта ўзим пою-пиёда
Фарғонага кетгим келади.

Отабек от солган йўллардан
Кумуш боқиб толган йўллардан.
Муҳаббатим қолган йўллардан
Фарғонага кетгим келади.

Водилида яшар у дилдор
Қирмизи лаблари нақ анор.
Соғинаман тунлари бедор
Фарғонага кетгим келади.

Фарғонанинг йўллари олис
Қалбни ёмон қийнади бу ҳис.
Балки мени кутар ўша қиз
Фарғонага кетгим келади.

Юрак ютиб ёруғ дунёда
Бир кун жазм этгим келади.
Битта ўзим пою-пиёда
Фарғонага кетгим келади.



ЎТИБ КЕТАР ҲИЖРОНИНГ

Қанча ёниб, қанча куйганман,
Муҳаббатдан лаззат туйганман,
Айрилиқдан эса тўйганман,
Ўтиб кетар бу ҳижронинг ҳам,
Фақат қолар кўзларимда нам.

Қизлар ичра маҳвашим эдинг,
Дард тортганда дардкашим эдинг,
Бир озгина саркашим эдинг,
Ўтиб кетар бу ҳижронинг ҳам,
Фақат қолар юрагимда ғам.

Ошиқлардай юрсак бўлмасму,
Давру-даврон сурсак бўлмасму,
Хаёл ичра кўнглим тўлмасму,
Ўтиб кетар бу ҳижронинг ҳам,
Фақат қолар дилимда алам.

Елғиз ўзим узун тун аро,
Оқ қоғозга ёққан нур аро,
Шаънингга шеър битарман барно:
"Ўтиб кетар бу ҳижронинг ҳам
Фақат қолар қўлимда қалам".



МЕНГА МЕХРИНГ ЙЎҚ

Ҳаммага меҳринг ҳаддан зиёда
Яшнаб яшайсан еру-самода.
Фақат билмасман нечун дунёда
Менга меҳринг йўқ.

Ойу-юлдузлар бизга баробар,
Қуёш бирдайин нурларин сочар,
Ёлғизгина сен бепарво дилбар
Менга меҳринг йўқ.

Тегиб кетдинг ох, гуруримга, ёр,
Ҳамроҳ бўлмадинг суруримга, ёр,
Қолиб кетмагил шууримда, ёр,
Менга меҳринг йўқ.

Маъшуга деган бўлмас бунчалик,
Ошиқ дилини этмас тунчалик,
Севиб қолмоқдан қилдингму ҳадик
Менга меҳринг йўқ.

Меҳрсиз яшаш мумкин эмас-ку,
Қўнглим тўлмайин, бахтим кулмас-ку
Чоршамъ ҳижронда йиғлаб демасму:
Менга меҳринг йўқ.



* * *

Меҳрсиздан меҳр кутмагил,
Ҳижрон кўчасидан ўтмагил.
Қўйгил, беҳуда ёш тўкмагил,
Сен-чи, ҳамон кутасан кўнгил,
Ҳажрида ғам ютасан кўнгил.

Висол кутиб ўтди бу умр
Зада бўлиб кетди бу умр.
Муҳаббатдан кечди бу умр
Сен-чи, ҳамон кутасан кўнгил,
Ҳажрида ғам ютасан кўнгил.

Кел, тақдирга тан бергил, кўнгил,
Номини ҳам ёд этмай қўйгил,
Бу даргоҳдан кетайлик, бўлгил,
Сен-чи, ҳамон кутасан кўнгил,
Ҳажрида ғам ютасан кўнгил.

* * *

Ҳислар ҳам эскириб қолибди
Қизлар ҳам қарибди бинойи.
Юракка бир армон солибди
Севолсак севайлик киройи.

Умрда оз ёрқин хотира
Қолгани шунчаки ҳавойи.
То тирик эканмиз дунёда
Яшасак яшайлик киройи.

Даргоҳи очикдир Танграмнинг
Бир ният тилайман : Илойи
Бугунми, эртами, қай маҳал
Ўлсак ҳам ўлайлик киройи.

БАҲОРНИ КУТИБ

Қаҳратон қиш олар забтига
Оқ бўлса ҳам қордан тўямиз.
Бойчечакни энди, афтидан,
Баҳор келсин, кейин кўрамиз.

Сукунат бор бу фасл аро
Ёлғизликка мойил юрамиз.
Ширин – ширин кенг давраларга
Баҳор келсин, кейин кирамиз.

Арзитмайин ўзингни кўп ҳам
Тезроқ ўта қол, аямасуз.
Ҳадик кетгайми кексалардан
Баҳор келсин, кейин биламиз.

Рутубатда жунжукма жоним,
Бахтни кутиб яшаш шевамиз.
Ҳислар жўшиб, қонлар кўпириб
Баҳор келсин, кейин... Севамиз.



КЕНГЛИКЛАРНИ ҚЎМСАШ

Кенгликларга кўниккан кўнгил
Тор кулбага сирмайди сира.
Сўниб борар аста тафаккур
Ҳижолатдан сиқилар юрак.

Мен кенгликка кўз очган кўйи
Яшолмадим жин кўчаларда.
Тўрт томонга бош уриб, сўнгги
Макон топдим жим кечалардан.

Аммо тинчим узоққа бормас,
Кундуз тўзғиб ўтар туйғуни
Ғала – ғовур шаҳарда ҳар кас
Топтаб кетар покиза руҳни.

Тарс ёрилай дейман шу палла,
Оҳ, бунчалар бу пешонам шўр.
Вужудимнинг ҳар бир қатида
Жон бермоқда норасида шеър.

Аммо токи журъат бор экан
Парвоз этиб мисоли бир қуш.
Кенгликларга чиқиб кет, Чоршамъ,
Кенгликларда уйғонади ишқ.



Ё МУҲАББАТ, Ё НАФРАТ

Дилимда яшар ҳар вақт
Ё муҳаббат, ё нафрат.
Икки ҳад, икки сарҳад
Ё муҳаббат, ё нафрат.

Қувончу – қайғум ўша,
Сайёду – сайдим ўша.
Тилимга кўчган кеча
Ё муҳаббат, ё нафрат.

Гоҳида ўртар ёмон,
Гоҳида сақлар омон.
Қонимда қўзган замон
Ё муҳаббат, ё нафрат.

Доим бўл қалбим учун
Қолмайин бағри нигун
Кела қол, келгил бугун
Ё муҳаббат, ё нафрат.

КЎРМАСАМ КУЯМАН

Муҳаббат ақлимдан аввалроқ кирган,
Кўнглим ҳеч оромни билмас боламан.
Бир қизни севгандим ўшандан бери
Кўрмасам куяман, кўрсам ёнаман.

Шамолга ўхшайди шодон юриши,
Оловга ўхшайди шўхчан туриши.
Қуёшдай порлайди яйраб кулиши
Кўрмасам куяман, кўрсам ёнаман.

Ҳижрон ҳам гоҳида лаззатли бўлар,
Сукутда сўзлашдан ҳикमतли бўлар.

Ошиқлик шундайин шиддатли бўлар
Кўрмасам куяман, кўрсам ёнаман.

Кул бўлиб кетмаган чоғларим омон,
Бағримни ўртайди бир соғинч ёмон.
Кўрги келмасмикин мени ул жонон
Кўрмасам куяман, кўрсам ёнаман.

ИШҚУ – ОТАШ

Бу жаҳон ичра яшашга,
Ишқ керак, оташ керак.
Ҳар қачон жаҳду – курашга
Ишқ керак, оташ керак.

Ишқи йўқлар доғидан
Куйди жоним оғудан,
Ҳар кўнгил ёш чоғидан
Ишқ керак, оташ керак.

Тоғни у талқон қилур,
Чўлни боғ – бўстон қилур.
Қулни ҳам инсон қилур
Ишқ керак, оташ керак.

Ёр, мени ҳолимга боқ
Тоб беролмайди фироқ,
Каммидир шунча сабоқ
Ишқ керак, оташ керак.

Ҳақ сари кетмоқ учун ҳам,
Бир сатр битмоқ учун ҳам,
Ҳаттоки... ўлмоқ учун
Ишқ керак, оташ керак.

МУҲАББАТ–МИНГ ЙИЛЛИК

Бу дунё – беш кунлик,
Айрилиқ – бир тунлик.
Куйинма, эй кўнглим,
Муҳаббат минг йиллик.

Энг аввал худодан
Сўнг Одам Атодан
Ҳам Момо Ҳаводан
Муҳаббат минг йиллик.

Бир ажиб дунёси,
Минг битга жилоси,
Бўлганман шайдоси
Муҳаббат минг йиллик.

Ҳижронни қўй, гулим,
Кўнгил берди кўнглим,
Мени сев, севгилим
Муҳаббат минг йиллик.

* * *

Очилибди ол гулим,
Гуллар ичра энг сўлим,
Муҳаббатга ташнамиз,
Кел, севайлик, эй дилим.

Баҳор ишқдан нишона,
Юрак тўлди туғёна,
Элга бўлиб афсона
Кел, севайлик, эй дилим.

Мажнун каби ишқ эли,
Лайли саридир йўли,
Гулнинг бўлиб булбули
Кел, севайлик, эй дилим.

Севмаганни эл севмас,
Севмаган инсон эмас,
Яшасак ҳам бир нафас
Кел, севайлик, эй дилим.

Севилмаган гул гулим,
Ол деса Аллоҳ қулим,
Балки бергайдир кўнгил
Кел, севайлик, эй дилим.

ОТАБЕК ВА КУМУШ ИШҚИ

Тўйдирганда жондан айрилиқ
Яна чақнар юрак учқуни.
Соғинаман тунлари юриб
Отабек ва Кумуш ишқини.

Марғилону – Тошкент йўлида,
Гоҳ ҳижрон, гоҳ висол кўйида.
Тополмасман Сирнинг бўйида
Отабек ва Кумуш ишқини.

Замон ўтиб ўзгарар инсон,
Ўзгармайди аммо ишқ, иймон.
Унутдим ёки бу замон
Отабек ва Кумуш ишқини.

"Ўтган кунлар" китобин қучиб
Самоларга кетгим бор учиб.
Фақат топсам келардим тушиб
Отабек ва Кумуш ишқини.

Меҳру – вафо бор бу ишқ аро
Назму – наво энг олий сафо.
Барчамизга бахш этсин худо
Отабек ва Кумуш ишқини.

Кўзларинг мунча ҳам чиройли
Ёр, менга кўзингни бағишла!
Сўзларинг мунча ҳам бинойи
Ёр, менга сўзингни бағишла.

Шодланиб яшамоқ истадим,
Қайғуни кет дея қистадим.
Дардингни олмоқдир матлабим,
Ёр, менга тўзимни бағишла.

Кўксимни куйдирар бир тилак,
Васлингга етолмай жон ҳалак.
Тунлари йиғлайди бу юрак
Ёр, менга рўзингни бағишла.

Заррадан бир дунё рахш этдим
Номингни қалбимга нақш этдим.
Мен сенга ўзимни бахш этдим
Ёр, менга ўзингни бағишла.



ЎЛГУНЧА КУТАДУРМАН

Кўзим тушгандан бери,
Ақлим учгандан бери,
Дилим очгандан бери
Сен кулиб ўтавердинг,
Мен куйиб кутавердим.

Бошимга ёғди қорлар,
Ўтди қанча баҳорлар,
Жонга бериб озорлар
Сен кулиб ўтавердинг,
Мен куйиб кутавердим.

Ишқ мени адо қилди
Йўлларда гадо қилди
Номусдан жудо қилди
Сен кулиб ўтавердинг,
Мен куйиб кутавердим.

Раҳми билмадинг ёр,
Назарга илмадинг ёр
Мурувват қилмадинг ёр
Сен кулиб ўтавердинг,
Мен куйиб кутавердим.

Ўлгунча кутадирман,
Ёлғизин ўтадурман,
Бир қўшиқ битадурман:
"Сен кулиб ўтавердинг,
Мен куйиб кутавердим".



* * *

Хайр энди, бағритош қизча,
Яна баҳор қайтиб келгунча.
Омон бўлсак кўришармиз – ку
Ёзу – қишдан ўтиб олгунча.

Мен кетарман узлатга ғариб
Умид билан қоларман ёлғиз.
Ўниб борар кўксимда ажиб
Муҳаббатга ошино бир ҳис.

Сен фаришта мисоли яша,
Осмонларга, ҳаволарга уч.
Куйдирса сал қуёшнинг тафти
Гоҳи – гоҳи замин сари туш.

Ва музларга бергин бағрингни
Шунда меҳр қиммати ошар.
Оппоқ қорлар остида нишлаб
Бойчечаклар, лолалар яшар.

Улар бир кун менинг қўлимдан
Сенга етиб борса ажабмас.
Ахир баҳор фаслин севганлар
Севгисидан сира ажралмас.



Мен хаёлпарастман, мен ишқпарастман,
Еру – кўк ичида учиб юраман.
Гоҳ тубсиз жарликлар қаърига қулаб,
Гоҳ Аршининг устида мағрур тураман.

Жаннатда ҳурлар – ла яйрайман шодон,
Дўзахнинг ўтида обдан куяман.
Аросат ҳолига ҳайрона боқиб
Яна ер юзига қайтиб келаман.

Ва оддий инсонга айланиб узоқ
Юмушлар қиламан наридан – бери.
Бир кун юрагимга кирганда титроқ
Яна йўл оламан кенгликлар сари.

Ўша хилқатларни англагим бор – да,
Қанча олис бўлсин, қанчалар сирли.
Бир бора кўролсам армон билмасдим,
Ўша – аввалбоши келган у нурни.

Ҳар ким қайтмоқ истар ахир аслига,
Билмоқ истайди – ку узоқ мозийни.
Фақат... хаёл билан бормоқдан ўзга
Бирор чора топиб яшаш мумкинми?!

Бу дард очса керак бир кун кўзимни,
Девор ортини ҳам кўролгум шунда.
Ҳақиқат маънисин англарман балки
Валийлар мисоли гўзал очунда.

О, унда замон ва макон бирлашар,
Очилиб боргуси фано пардаси.
Кўнглим фаришталар билан сирлашар
Аён булгусидир барча – барчаси.

Ҳали имкон бордир, ҳали ҳаёт бор,
Ўзимни соламан минг бир қийноққа.

Сурату – сийратим якто этмоқ – чун
Розиман яшашга йиртиқ – ямоқда.

Кўплар ҳайрон боқар забун ҳолимда
Ҳаммадан бахтиёр, шод юрганимга.
Мен эса шукрона айтиб яшайман
Эй, худо, хаёлга эрк берганимга.

* * *

Ёшлик қандай гўзал, беғам, бепарво
Кўчани тўлдириб юрар ёш – яланг.
Бир – бирин турткилаб, қувнаб – қувлашиб
Ҳаётга кўрк берар – ҳамма ёқ таранг.

Қўшилгим келади улар сафига
Руҳларин туяйин дейман беадад.
Ахир мен ҳам бир пайт худди шунақа
Елиб юрардим – да билмайин сарҳад.

Кимдир ҳавас билан боққандир менга,
Кимдир дуо қилган бўлса ажабмас.
Худого минг қатла шукр, шу кунга
Етиб келганлигим бутун айни рост

Фақат... энди бир оз хижолатдаман,
Чеккада тураман – қўшилмоқ маҳол.
Кўнгил қурғур эса турткилаб қўймас:
«Ҳали мен ёшман – ку, ҳали мен баҳол»

Боисин сўрасам – бир оз ҳаприқиб
Оташда ёнади юрагим кабоб.
Қўшилсам, қўшилсам умрим ўзгарар,
Бариға, бариға ... муҳаббат сабаб.

САМАН ОТИМ

Саман отим кишнаб — кишнаб ўтганда ёр
Қайси парда орқасидан термуласиз?
Сурув — сурув қўйлар ҳайдаб кетганда ёр
Қайси уйнинг дарчасидан термуласиз?

Пардангизни қиялатинг мен ҳам боқай,
Қандайин юз бермиш сизга худойим — эй.
Дарчангизни қиялатинг, мен ҳам боқай,
Қандайин кўз бермиш сизга худойим — эй.

Сулувлардан сулуvsизки эсланасиз
Ишқ дегани сизга ҳам чўғ солганмиё?
Кўзлар кўзга тушмасин деб сесканасиз,
Нигоҳингиз йўлим пойлаб толганмиё?

Дўланалар териб тушдим сизга қирдан
Ҳовуч — ҳовуч тутайин деб қўлингизга.
Гул — лолалар териб тушдим сизга қирдан
Тутам — тутам сочайин деб бўйингизга.

Каклик тутиб тушдим яна сизга тоғдан
Какир — кукур кулгуларни ўргатсин деб.
Саҳар кетиб, қайтганимда оқшом чоғлар
Сайраб — сайраб сизни менга бўйлатсин деб.



ЗАМИНДАГИ ФАРИШТА

Бир қиз кўрдим — фаришта дейсиз,
Оппоқ эди унинг олами.
Кўзларимни ёндирди у кўз,
Шоирману ожиз қаламим.

Бошидан то оёғигача
Либослари ҳавас уйғотар.
Атрофида шайдо ошиқлар
Бир шоду, бир ҳасад — ла боқар.

Тўмарисми, Турконмиди у,
Қайдин келди, кетар қаёнга?
Ёт кўзлардан асраниб, ёҳу,
Яшаб қоларми шу замонда?

Мен — чи, мен — эй, бир гофил банда,
Ҳисобга олмаса дўлпимни.
Бу ажнабий усту — бошим — ла
Лойиқ санолмайин ўзимни.

Шу бир сулув сиймо олдида,
Бўйин эгиб турган ҳолимда,
Ўз — ўзимни жуда паст билдим,
Мисоли бир ҳору — хас билдим.

Бир қиз кўрдим фаришта дейсиз...



ҚИРМОЧ ЕГАН ҚИЗГИНА

Ёмғир ёғди тўйингда
Қирмоч еган қизгина.
Сел бўлиб – эй, кўйингда
Куйлади ҳофизгина.

Ял – ял ёниб яшнадинг
Яноғинг – эй лоламу?
Қай кунларга ташладинг
Сени суйган болани?

Тош ёғса ҳам тўйингда
Турар эдим тоғ бўлиб.
Айланайин бўйингдан
Бағрим қолди доғ бўлиб.

Ёндирма деб чақнаган
Чақмоқларга боқдим – эй.
Қўшиғимда яшириб
Юрагимни ёқдим – эй.

Ёмғир ёғди тўйингда
Қирмоч еган қизгина,
Сел бўлиб – эй кўйингда
Куйлади ҳофизгина.



ТАРСО* ҚИЗ

Кўнглима солдинг оташ,
Тарсо қизи, тарсо қиз.
Юзларинг мунча маҳваш
Тарсо қизи, тарсо қиз.

Сен ҳам Аллоҳга банда,
Мен ҳам Аллоҳга банда.
Дунё деган чаманда
Тарсо қизи, тарсо қиз.

Ишқимга бўлма ҳайрон,
Мисоли Шайхи Санъон**.
Этгум сени мусулмон
Тарсо қизи, тарсо қиз.

Ошиққа маъшуқона,
Кела қол, эй, жонона.
Чоршамъга бўл парвона
Тарсо қизи, тарсо қиз.

*Тарсо — христиан, насроний қиз.

**Шайх Санъон — тарсо қизга ишқи тушиб,
уни мусулмон қилган маккалик шайх.

ТЕРМУЛГАНИ – ТЕРМУЛГАН

Кўзларим сенга бунча
Термулгани – термулган.
Очилибсан – да мунча
Термулгани – термулган.

Кўнгил сира гўймайди,
Қара дея кўймайди.
Билмам, нени кўзлайди
Термулгани – термулган.

Бўлиб ҳуснингга сармаст,
Дилим – дилингга пайваст,
Боқарсан деб бир нафас
Термулгани – термулган.

Дема: сенда ҳаё йўқ,
Бу дардга ҳеч даво йўқ,
Кўзларимнинг ўзи шўҳ,
Термулгани – термулган.

Ғунча сифат қизлар – а,
Очиқ экан кўзлар – а,
Чоршамъ қалби сизлар – а
Термулгани – термулган.



БИР ҚИЗ БЎЛСА

Сўзлаганда тилларидан боллар томса,
Бу боллардан ололмай не алплар толса,
Ҳамиша у йироқ юрса номаҳрамдан,
Чиқмаса ҳеч ибо аталмиш ҳарамдан.
Она ердан узолмаса кўзларини,
Куйдирса — эй йигитларнинг бўзларини,
Юзларини кўрмоқ бўлса амри — маҳол,
Ҳаёланса, ҳаёсидан қад бўлса дол.
Қўлчалари яшрингали изласа жой,
Кўчалардан оҳисталаб ўтганда, ҳой,
Қирқта ўрим сочига қирқ минг ошигин
Асиру — дол эта олган бир маъшукким,
Пари десанг парилардан зиёд бўлса,
Фаришта — ю гулмонлар ҳам ҳасад қилса,
Шундай қизнинг оёғида ўлар эдим,
Афсус, мени хароб этган тириклигим.



ЛАБИ–ҲОВУЗ БЎЙИДАГИ ҚИЗ

Лаби – ҳовуз бўйида бир қиз
Хаёл суриб туради ёлғиз.
Дилга ғулув солган ул сулув
Кўзларидан узолмасман кўз.

Нигоҳлари Девонбегида,
Зардўзи нимчаси эгнида.
Мафтунига боқмайди нега
Лаби – ҳовуз бўйидаги қиз.

Сен бир сувдан чиққан парими,
Малакларнинг ё сарварими,
Бухоронинг дур, гавҳарими
Лаби – ҳовуз бўйидаги қиз.

Кўзларингда жолалар тинсин,
Лабларингда табассум унсин,
Дилингда ишқ, муҳаббат тўлсин
Лаби – ҳовуз бўйидаги қиз.



САМО ҚИЗИ

Бунча ширин бу ирин*,
Билолмасман ҳеч сирин.
Кўра қолинг, кўринг деб
Ташласа кўзин қирин.

Қирмизи у, қирмизи,
Лов – лов ёнади юзи.
Хаёлимда ул гўзал
Ер эмас, само қизи.

Ярашиғли иболар
Талашади дунёлар.
Аллоҳим асрасин деб
Айлагайман дуолар.

Гунчаи хандоним – эй**,
Лолаи нўъмоним – эй***,
Ошиғи жаҳон этиб,
Олиб кетдинг жоним – эй.

*Ирин – лаб, дудок.

**Гунчаи – хандон – маҳбубанинг кулиб турган оғзи.

***Лолаи нўъмон – энг чиройли лола.

БУХОРОНИНГ БОҒЛАРИДА

Бухоронинг боғларида бир барно бор,
Тушларимга кираверар ҳар бир баҳор.
Мен билмайин суявергум, куявергум,
Ҳижрон тўла дардларимни туявергум.

Қисматидан менинг каби безиб – безиб
Булбул куйлар юрагимни эзиб – эзиб.
Қулоқ тутиб чоғланаман ҳузурига,
Келган каби гўё тавба – тазарруга.

Бу боғларда қандай сир бор, билмоқ маҳол
Суратим соғ, сийратим – чи, бўлгандир дол.
Бир кун бахтим кулар дея дуо айлаб,
Яшайвергум булбул каби наво айлаб.

Бухоронинг боғларида бир барно бор...



СУБҲИДАМДА СҮЙЛАСАМ

Субҳимдамда сўйласам
Соғинчларим сирдошима.
Ётсираб ёқтирмади
Ёшини пешлаб ёшима.

Кўнглима кўнгил керак
Кетма, камолингни кўрай.
Деганимда кўнмади
Дардингга давоман демай.

Қанчалар қаттиқ қаро
Қисмат қўлида қолганим.
Ўз – ўзимдан ўксиниб
Яхши эди – ку ўлганим.

Жилди жонон жойидин
Жоним жаҳонимдан жудо.
Илтифот этмай сира
Ошиғини айлар адо.

Навбахорнинг бағрида
Бағримни боғга боғлатиб.
Тонги ҳижрон қаърида
Чоршамъни чоғга чоғлатиб.



СУЛУВ ҚИЗ БОЛА

Лабинг ҳали бўёқ кўрмаган,
Киприкларинг сурма сўрмаган.
Қошларингда ўсма ўрлаган
 Қиз бола, эй, сулув қиз бола,
 Дунёга сол ғулув қиз бола.

Ғанимларнинг кўзин ашк қилиб,
Бевафолар дилин ғаш қилиб,
Ишқизларни куйдир рашк қилиб,
 Қиз бола, эй, сулув қиз бола
 Дунёга сол ғулув қиз бола.

Мен ошигинг бўлиб юрарман,
Камолингни бир кун кўрарман,
Висол учун жоним берарман
 Қиз бола, эй, сулув қиз бола
 Дунёга сол ғулув қиз бола.

* * *

Эҳтирослар сўндилар
Энди азоб бошланар.
Гўё музлаб қолган сув
Темирни ҳам тарс ёрар.

Тарс ёрилиб кетар дер
Тонг отгунча юрагим.
Эрта нима бўлади,
Келармисан, малагим?

Келмасанг хароб бўлиб
Бўлади бу жону – тан.
Эҳтиросларни уйғот,
Йўқса... ўлиб қоламан.

МУНДАРИЖА

Муҳаббат ҳақида.....	3
Қаршимда яна Сен.....	7
Муножот.....	8
Соҳилда.....	9
Болакай(ҳазил).....	11
Кутиш.....	11
Бетобликда.....	12
Мувашшаҳ.....	16
Шунчаки.....	18
Оғир кетиб бормоқда бир қиз.....	20
Севги нима?.....	24
Аразликда.....	28
Айрилиқ тунида.....	30
Муҳаббат.....	31
Қалдирғочлар қайтганда.....	32
Болаликдан хотира.....	33
Севги куни.....	44
Зумрад боғлар бағрида.....	48
Баҳор бедор эди.....	50
Сизни севмаслик мумкин эмас.....	52
Фарғонага кетгим келади.....	53
Ўтиб кетар ҳижронинг.....	54
Менга меҳринг йўқ.....	55
Баҳорни кутиб.....	57
Кенгликларни қўмсаш.....	58
Ё муҳаббат, ё нафрат.....	59
Кўрмасам куюман.....	59
Ишқу – оташ.....	60
Муҳаббат – минг йиллик.....	61
Отабек ва Кумуш ишқи.....	62
Ўлгунча кутадурман.....	64
Саман отим.....	68
Заминдаги фаришта.....	69
Қирмоч еган қизгина.....	70
Тарсо қиз.....	71
Термулгани – термулган.....	72
Бир қиз бўлса.....	73
Лаби – Ҳовуз бўйидаги қиз.....	74
Само қизи.....	75
Бухоронинг боғларида.....	76
Субҳидамда сўйласам.....	77
Сулув қиз бола.....	78

ЧОРШАМЪ

**СЕВГИНИ
СОФИНДИМ**

(Ишқий шеърлар)

Муҳаррирлар:	Сулаймон ас – Сухорий Баҳром Солиев
Тех. муҳаррир:	Ихтиёр Ёқубов
Мусаввир:	Неъмат Ҳаким
Мусаҳҳиҳ:	Зулхумор Рўзиева
Компьютер дастурчиси:	Нилуфар Ражабова
Операторлар:	Зилола Бобоева Феруза Болтаева

Босишга рухсат этилди 11.11.2005 йил.

Нашр сони—69. Босма табағи 5.

Буюртма № 1481. Агади 1000.

“Бухоро” нашриёти. И. Мўминов кўчаси, 27 -уй.

“Ёқуб Довуд” босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 27—уй.